
Фурқат туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича дастур ижроси нафақат туман маркази, балки барча қишлоқ ва маҳаллалар ободлигини таъминламоқда.

Ўтган йили “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” дастури ижросига 255 млрд 700 млн сўм маблағ йўналтирилиб, катта ҳажмдаги қурилиш-таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари бажарилди.

Хусусан “Кўкдўппи” маҳалла фуқаролар йиғинининг биргина ўзида 3 км сув тармоғи тортиш, 1 км ички йўллари цемент-бетон қопламали йўллар тоифасига ўтказиш, 2 км асфальтлаш ишлари бажарилиб, 10 км га яқин кўчалар шағаллаштирилди. Жорий йилда Кўкдўппининг Истиқлол кўчаси туманининг яна бир обод масканига айланади. Фурқат тумани Кўкдўппи маҳалла фуқаролар йиғинидаги Истиқлол кўчасида ободонлаштириш-бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Дастур асосида 1 км лик кўчани кўркем масканга айлантириш ишлари олиб борилмоқда.

Айни кунларда пиёдалар йўлакларини ташкил этиш ҳамда бир қатор таъмирлаш-созлаш ишлари баробарида, кўчанинг ҳар 30 метр қисмига замонавий кўча чироқлари ҳам ўрнатилди. Бугун ушбу кўчанинг меъморий қиёфасини замонавийлаштириш ва ободонлаштириш ишлари “Фарғона йўл қурилиш УФК” МЧЖ томонидан қарийб, 3 миллиард 141 миллион сўм маблағ эвазига амалга оширилмоқда.

Давлат раҳбарининг 2022 йил 25 октябрь кунги “2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 408-сонли қарорига асосан “Кўкдўппи” маҳалласининг ўзида 6 км. ички йўллари асфальтлаш ишлари олиб бориш учун 3 млрд. сўм маблағ ажратилди.

2023-02-25 08:24:43